



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 13 май, жума № 76 (1917)

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИФИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш борасидаги қатор янги ҳужжатлар муҳокама қилинди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси, телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш, давлат бошқаруви АКТни жорий этиш, электрон тижоратни йўлга қўйиш бўйича дастурлар ҳамда Сирдарё вилояти-

чалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси маъқулланди ҳамда манфаатдор давлат органлари билан келишиш учун асос сифатида тавсия этилди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўздавнефтегаз инспекция, «Ўзстандарт» агентлигининг ахборотлари тингланди. Уларга давлат ахборот ресурслари ва тизимларини такомиллашти-

риш борасидаги ишларни янада кучайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзинфоком» маркази ҳамда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказига Интернет тармоғининг миллий сегменти ресурсларини Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, маданияти, санъати, тарихи, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар тараққиётининг асосий жиҳатларини ёритувчи ижтимоий аҳамиятига молик ахборот билан, айниқса давлат тилида тўлдириш ва боийтишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилди.

(ЎЗА)

У БАХТИНИ ДАЛАДАН ТОПДИ

Хўжалиқда маданий-маиший ва маънавий ишлар ҳам юқори савияда олиб бориляпти. Мактаб, шифохона, болалар боғчиси, савдо шохобчалари, бозор ҳамда гузарлар мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, яқинда бу ерда янги стадион барпо этилди. Хотира ва қадрлаш кўни арафасида эса «Ешлар ҳиббони» мажмуаси аҳолига тўхфа этилди.

Мазкур ишларнинг барчасига ширкат хўжалиги раиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Тожиғул Аширова бош-қош бўлмоқда. Бу тиниб-тинчимас аёл мана беш йилдирки хўжаликни муваффақиятли бошқариб келмоқда. Шу ерда тугилиб, улғайиб, тинимсиз меҳнат қилиб ўз бахтини толган Тожиғул опани «Тоза-Боб» овул-фуқаролар йиғини жамоаси аъзолари жуда ҳурмат қилади.

Суратда: «Тоза-Амиробод» ширкат хўжалиги раиси Тожиғул Аширова

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган сурат



СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Эллиқалфа туманидаги «Тоза Амиробод» ширкат хўжалиги илгор хўжалиқлардан ҳисобланади. Ширкат аъзолари ҳар йили режаларини уддалаб келмоқда. Бу йилги ишлар ҳам ёмон эмас. 1200 гектар майдонга чигит экилди. Айни пайтда биринчи озиклантириш ишлари якунланмоқда. Шунингдек, хўжалиқда 222 гектар майдонга дон экилиб, ҳозирда улар тўла бошоқлади ва учинчи озиклантириш ишлари кетяпти.

Бир Фармон шарофати

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида маърузасида кичик бизнес ва фермерлиқни ривожлантириш иқтисодий ислохотларини амалга оширишнинг устувор йўналиши эканлигини алоҳида таъкиллади.

Оролбўйининг Шимолий худудига жойлашган Кегайли туманида фермерчилик равнақига кенг йўл очилган. Қишлоқ тадбиркорларига ҳар томонлама қўмақлаштириш, керакли хизматлари таъминлаштириб, инфратузилмани юксалтириш долзарб вазифага айланган. Бугунги кунда тўрт юзга яқин фермер хўжалиқлари ташкил этилган бўлиб, уларга 26 минг 600 гектар сугорилмайдон ер, шу жумладан 11 минг 500 гектар экин майдони ажратиб берилган. 300 дан зиёд фермер деҳқончилик, 42 таси чорвачилик, 9 таси боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланмоқда.

«Измагамбет овул» фермер хўжалиқларида шартномадагидан анча кўп маҳсулот етиштирилган. Учинчи одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, турмуш шароити яхшиланаяпти.

Жумамурод Султонмуродов бошқараётган «Асқар» фермер хўжалиги йилни 37 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Механизатор М.Сафаров, Ш.Юсупов, ишчилардан Б.Сафарниёзов, У.Жуманазаровларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача 60 минг сўмдан ташди. Бундан ташқари, ишчилар 500 килограммдан галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам олдилар. Фермер хўжалигида ун тегиримони

ҲАҚИҚИЙ ФЕРМЕР ҳар қандай шароитда ишончни оқлайди

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонига асосан паст рентабелли ва иқтисодсиз деб топилган ширкатлар тугатилиб, улар ўрнида фермерлар фаолият кўрсата бошладилар.

Натияжлар кутилгандан ҳам қувончли. Бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилган Б.Каримбердиев номи, «Дарвозакўм» фермер хўжалиқлари уюшмасида 150 нафар қишлоқ мулкдорни ишлаб турибди. «Дарвозакўм» уюшмаси давлатга дон ва пахта сотиш шартномасини икки боравага ошириб бажариб, республикада юқори кўрсаткичга эришди. «Бирлики», «Султонмурод уста», «Гулчехра», «Қаниёз» каби фермер хўжалиқлари йилни катта фойда билан якунладилар. Эндиликда М.Жуманазаров, Қ.Абибуллаев номи ва «Куаниш жарма» ширкатлари тўлиқ фермерликка ўтди.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиш бериш, иқтисодиётда ҳусусий тармоқнинг уллуғини ошириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, фермер хўжалиқлари ширкатларга нисбатан юқори рентабелликка эришмоқда.

Фермер бойиса, қўлга нафти тегади. Бақир Каримбердиев номи деҳқон-фермер хўжалиқлари бирлашмасидан Болтаниёз Азилхонов бошқарган «Мирза», Ниятбой Ўтёнбергенов раҳбарлигидаги «Ешлик», Ерназар Исмоилов бош бўлган «Диеуанай», Сулува Ермашова бошлиқ «Деҳқон бобо» фермер хўжалиқлари пахта ва галла етиштиришни икки баробарга кўпайтирдилар. «Дарвозакўм» хўжалигидан «Талуца», «Холмирза», «Еримбет бобо» Матеги Жуманазаров номи хўжалиқдан «Нурли келажак», «Асқар», «Куаниш жарма» хўжалиқидан «Бўйиқ овул»,

қурилиб, ишга туширилди. Моддий ресурслар техника, сув, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари билан вақтида таъминланганлиги ижобий самара бермоқда. Тахминан нефт маҳсулотлари унитар шўба корхонасига қарашли 5 та ёнилғи-мойлаш шохобчаси, «Пахта банк»нинг 5 та минибанки ва минерал ўғит тарқатадиган тармоқлар ишлаб турибди.

Фермерларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 130 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Тумандаги «Болтали» фермер хўжалиги «Пахта банк» томонидан берилган 12 миллион 164 минг сўм маблағига битта «ТТ3-80» трактори сотиб олган эди. Жамоянинг самарали меҳнати тугайли кредитнинг қарийб ярми қопланди. Жамоада ҳар йили 14-15 миллион сўм даромад олинаяпти.

«Дарвозакўм» деҳқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси тасарруфидига «Тўра» фермер хўжалиги трактор сотиб олиш учун банкдан 4 миллион 100 минг сўм кредит олган эди. Хўжалик етиштирган ҳосили ҳисобидан қарздан қутулиб, янги техникага эга бўлди. Мавжуд кредит қўйилмаларининг деҳқон-фермерлар, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик тараққиётига йўналтирилаётганлиги туфайли қишлоқ мулкдорларининг моддий-техник имкониятлари кенгаймоқда.

Айни пайтда туманда иккита қўшма корхона, 511 та юридик мақомага эга тадбиркорлик субъектлари, 18 та фермер хўжалигида бугун, 8 тасида шолчи тегиримонлари ишлаб турибди. Тадбиркорлик субъектларига банклар ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 256 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Хуллас, табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, иқтисодий ислохотлар йўлидан бораётган туман зироатчилари шартнома режаларини ошириб бажариб барчага намуна бўлишяпти.

И.ИСОМИДИНОВ

У ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг япон тили бўлимида кўпгина иқтидорли талаба ёшлар ўқишмоқда. Япон тилига меҳр қўйган Нодира Аминова эса яқинда ўз салоҳиятини намоян этди. У инсон ресурсларини

ривожлантириш ўзбек-япон маркази томонидан «Ўзбекистон-Япония ҳамда менинг келажгим» деган мавзуда ўтказилган ёзма ишлар танловида ҳам фалол иштирок этди. Япон тилида битилган бу иншолар беллашувида Н.Аминова совринли биринчи ўринни кўлга киритди. Фолиб толиби илм сифатида у Токиода икки ҳафталик сафарда бўлиб, аълочилар билан янги жамғармаси дастури бўйича ўз билми ва малакасини ошириб қайтади.

А.АЛИЕВ

Қўшма корхона – хориж ишончи

Бозор шароити Бешарик туманидаги тўқимачилик комбинати жамоаси зиммасига улкан масъулият юкляди. Шу бос 2003 йил комбинат ўрнида «Бестекс» Ўзбек-Олмон-Турк қўшма корхонасига асос солинди.

Корхонага замонавий техникалар олиб келинди. Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, шу билан бирга бошқарув тизимини янгилаш шакллантиришга катта эътибор қаратилди. Натижада иш суръати йилдан-йилга ортиб борди. Хозирги пайтда бу ерда сифатли калава ип ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг 95 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Бу кўрсаткичнинг келгусида юз фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

— Иш унумининг юқори бўлиши, авваломбор ишчи кайфиятига боғлиқ, - дейди қўшма корхона бош директори Меҳмет Эмин Уйсал. — Шунинг учун ҳам касабакўм билан ҳамкор-

95 ФОИЗ МАҲСУЛОТ - ЭКСПОРТГА

ликда иш юритиб, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантиришни яхши йўлга қўйганмиз.

Қўшма корхонада айни вақтда 400 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Уч навабта ишлаётган ишчилар бепул иссиқ овқат ва транспорт билан таъминланган. Айниқса, жамоада ишлайётган хотин-қизлар меҳнати алоҳида рағбатлантирилмоқда. Жамоа шартномасида белгиланган талаблар асосида уларни ижти-

мой химоя қилиш, кўнгил-дил дам олишларини ташкил этиш, соғлиқларини тиклаш учун етарлича шароит яра-

яна шуни таъкидлаш керакки, қасаба уюшма кўмитаси саъй-ҳаракати билан шу пайтгача корхонада иш берувчи томонидан меҳнат шартномасининг ноқонуний бекор қилиш ҳолати учрагани йўқ. Шунингдек, ишчилар малакасини ошириш, касб ўргатиш бўйича ишдан бўш вақтларида қўшимча ўқувлар ташкил этилмоқда. Хуллас, корхонадаги соғлом муҳит иш унумининг ўсишига катта ёрдам бермоқда. Тажрибали ишчилар йигирув машинаси операторларидан Ш.Қўқоров, Ф.Абдурашова, А.Қўқорова, техниклардан О.Каримов, А.Маҳмудов, А.Хайдаров ва бошқалар ўзларининг самарали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

С.АГЛАЕВА, «Ишонч» муҳбири

ҚОЙИЛ, ОЙЖАМОЛ!

Ёшларга яратиб берилётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз иқтидорларини намоян этаётган йигит-қизлар жуда кўп. Зулфия номидаги давлат муқофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваториясининг учинчи босқич талабаси Ойжамол Тўрамуратова ана шундай ёшлардан.

У таниқли драматург Кенесбой Раҳмоновнинг «Улим жазоси» асарига асосида икки акти, беш кўринишли мусиқий сахна асарини яратиб, қорақалпоғистонлик санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этди.

Ёш бастакорнинг мазкур асарини Тошкентда ўтказилган «Театрлар фестивали»да ҳам мутахассис ва мухлислар томонидан юқори баҳоланди.

Хозирги кунда қасаба уюшмалари меҳнатқашлар ҳуқуқий билминини ошириш, манфаатларини ҳимоялашни ўзларининг асосий вазифасига деб билимоқдалар. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан узвий алоқа ўратилган. Улар билан ҳамкорликда амалий семинарлар, ўқувлар ташкил этиляпти. Бунда «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодекси, Президентимиз Фармонлари ҳамда ҳуқуқ қарорлари талабларидан қилиб чиққан ҳолда фаолият юритиляпти.

Шунингдек, ушбу вазифани амалга оширишда келишув ва битимлар, жамоа шартномаларининг тугган ўрни катта бўлмоқда.

Вилоят тармоқ қасаба уюшмалари Кенгаши айни вақтда ўз атрофида 260 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида 529 та жамоа шартномаси, 32 та худудий тармоқ келишувлари тuzилган.

Республикамиз Президентини таъкидлаганидек: «Токи жамиятнинг ҳар қандай аъзоси ўз ҳуқуқини, ўз бурчини масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётини эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгилишни ҳақиқатда барча саъй-ҳара-

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш бозор муносабатлари шароитида рақобатбардор, экспортбop ва импорт ўрнини босув-

РАҚОБАТ СИФАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

чи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқаро андозаларга мос сифат тизимини қарор топтириш масалаларига бағишланди.

Анқуманда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди. Асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга

мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган

ишлар таҳлилига қаратилди. «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Республика синов ва сертификатлаштириш маркази етакчи мутахассисларининг халқаро андозага мос сифат тизимини бошқаришнинг аҳамияти тўғрисидаги маърузалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

натқашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашни ҳам яхши йўлга қўйилган. Турли масалалар билан муносабатлар эгачи фуқароларни вилоят кенгаши раҳбарлиги, бўлимлари қабул қилиб, уларнинг оғирини енгли қилишяпти. Масалан, Термиз шаҳрида яшовчи Фуқаролар Т. Фельчигова, Н. Саттороваларнинг моддий ёрдам сўраб қилган муносабат-

ойлик нафақа пули тайинланган. Қонун талабларини билмаслик ёки уни менсимаслик оқибатида қўллаб ташкилот, корхоналарда фуқароларимизнинг ҳуқуқлари иш берувчи томонидан бузиляпти. Келиб тушган ариза ва муносабатларнинг қўпчилигини ноҳақ ишдан бўшатиш, меҳнат шартномаларини ноқонуний ра-

ХУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ буларни яхши билмас эканмиз, барча саъй-ҳаракат зое кетади

вида бекор қилиш тўғрисидаги ариза ва шикоятлар ташкил этмоқда. Денов туман Жанубий Ўзбекистон тажриба станцияси ходимлари Д. Холмирзаева, У. Норбоевалар турли идораларга адолатни тиклаш учун муносабат қилиб, ўз ишларига тиклана олмадилар. Вилоят кўмитаси ариза томонидан берилган уларнинг синчиқлаб ўрганиб чиқиб, фуқаролар ишлари бўйича вилоят судига апелляция шикоятини берди. Натияжада фуқаролар ўз лаво-

катларимиз бесамар кетаверадилар. Шунингдек, Жарқўрғон туманидаги Т. Шобуров номи ширкат хўжалиги аъзолари Г. Жумаева, Х. Абдумуратовалар турмуш ўртоқлари бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганликларига қарамай тонов пулини ололмаётганликларини ҳақиқатда муносабат этишяпти. Уларнинг талаблари ҳам ижобий ечимини топди. Фуқаро Г. Жумаевага 1 миллион сўм тонов пули, икки нафар воғга ётмаган фарзандларига ҳар

ҚОЛЛОҚДАН ИЛГОРЛИККА

Данғара туманида бундан икки йил илгари «Сойшилда» шўба корхонаси ташкил этилган. Бошида бир маромад ишлаган корхона кейинчалик оқсоқлиниб қолди. Маҳсулотларга талаб сусайди. Сабаби, эски дастгоҳлар замон талабларига жавоб беролмай қолган эди.

Туман ҳокимлиги корхонага тадбиркорларни таклиф этди. Сармоя киритиб иш бошламан деганларга барча имконият ва имтиёزلар яратиб берилди. Корхонанинг мулкчилик шакли ўзгартирилди. Бу ерда қайта ташкил этилган «Сардортекс» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаб, қишлоқ хотин-қизларидан саксон нафари иш билан таъминланди. Корхонада асосан калава игдан турли хил матола тайёрланмоқда.

— Ишни бинони таъмирлаб, ишчилар учун шарт-шароит яратишдан бошладик, - дейди жамият бошқаруви раиси С.Алмасов. - Бозор иқтисодий шароитида иш унумдорлиги кўпроқ шунга боғлиқ. Корхонага 42 миллион сўм сармоя киритилди. Замонавий дастгоҳлар сотиб олдик. Йил охиригача яна юз кишини иш билан таъминлаймиз.

Тикувчилик, тўқувчилик ва пайлоқ ишлаб чиқариш цехларида бугунги кунда иш қизган. Корхона жамоаси бу йил 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

(ЎЗА)

зимида қайта ишлаб бошладилар.

«Бобот» ўрмон хўжалиги ишчилари Г. Зибеов, Э. Бегимқулов, Х. Мелиқулов, А. Мелиқуловларнинг ёзган шикоятлари ҳам ўзининг ижобий ечимини топди. Лекин, афсуски, қонунлар талабларини инкор этувчи, ўзи хон қўланкаси майдон бўлган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Ангор туман Машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти ходими Р. Ҳожиёв мазкур корхона раҳбари уни ноқонуний равишда ишдан бўшатганига ҳақиқатда муносабат қилиб, ўз ишларига тиклана олмадилар. Вилоят кўмитаси ариза томонидан берилган уларнинг синчиқлаб ўрганиб чиқиб, фуқаролар ишлари бўйича вилоят судига апелляция шикоятини берди. Натияжада фуқаролар ўз лаво-

Н.ШАМСУДИНОВ, Сурхондарё вилоят Аграрно-мажмуа уюшма Кенгаши раиси муовини

— «Богот» ширкат ҳўжалиги доғини юртга тағинатган Узбекистон Қаҳрамони, марҳум Машариф ақанининг бир гапи ҳеч эсдан чиқмайди, — дейди бўлим бошлиғи Шоназар Матўқубов. — У киши айтганлар: раҳбар ўз хонадонини ва ҳўжалигини айрича билмаслиги керак. Чўки ҳўжалиқда ишлар яхши кетса, хонадоннинг оқи қолмаслиғи турган гап. Деҳқончиликни миридан-сирисига пуқта ўзлаштирган миришкор бугун орамизда йўқ. Бирок соҳада у киши яратган ўзига ҳос мактаб нафақат тумандағилар учун, балки вилоятдағиларнинг мўл ҳосил яратишида ҳам асқотмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқов номли ширкат ҳўжалиғида тажрибалар кенг қамровли эканлигини бу ерда бўлган киши қўриб, қалбан ағлайди. Жамоа аҳли ундан қолган яна бир ўғитга амал қилишди: меҳнат қилиб юқори ҳосил олиш, ишлаб топилган маблаг ҳисобидан эл маъмуричилигини таъминлаш ва ислохотлар қўламини кенгайтириш.

Жамоа бир неча йилдири, 1960 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келади. Ўтган даврда ислохотлар қўйётган талаблар асосида мавжуд экин майдонларининг қарийб ярми — аниқроғи 1000 гектар ер фермерларга бўлиб берилди. Меҳнатни тўғри ташкиллаштириш ва ишчилар манфаатиға эътиборни қучайтириш самараси сарҳисобда яхши натижа бермоқда. Масалан, ўтган йил якуни бўйича галла ҳосилдорлиғи 45 центнердан тош босган бўлса, пахтачиликда эришилган натижалар аввалгиларға қараганда янада қувонарли, яъни гектарига 35-36 центнерни ташкил этди.

Ширкатда агротехника тадбирларига оғишмай амал қилинганлик ва техника қучидан самарали фойдаланганлик натижасида миллионлаб сўмларни тежашға эришилди. Ҳозир ҳўжалик тасарруфида 41 та ҳайдов трактори, 30 дан ошдиқ култивация ва бошқа техникалар бор.

Меҳнат аҳли ўтган йилни 1 миллиард 80 миллион сўм фойда билан якунлади. Жамоа бошқарув раиси Бектурди Қувовнинг таъкидлашича, ердан баракали

Ислохот мевалари

лаётган ширкатда уларнинг барчаси мужассам. Ҳўжалиқда меҳнатнинг тўғри ташкиллаштирилгани ва бозор иқтисоди шароитида қилган ишга яраша рағбат қатий йўлга қўйилгани ҳам иқтисоднинг бақувватлашиға, ҳам ижтимоий масалаларни қарор топтириб, одамлар турмуш фаровонлигини оширишға омил бўлаётти.

Ширкатдан кутилаётган даромад ишчилар маоши, уларни рағбатлантириш ва янги техникалар сотиб олиб, фаолиятни кенгайтиришға йўналтирилган.

Ижтимоий масалаларни ривожлантириш соҳасида ҳўжалик маъмурияти ва касаба уюшма алоҳида ишлаб чиқилган дастурға эға ҳамда унга оғишмай амал қилинмоқда.

Ишчиларнинг меҳнатдан сўнг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун ҳам барча шароитлар мавжуд. Маданият саройи, 10 миң китоб фондига эға кутубхона, истироҳат боғи, кичкинтойлар маскани, маҳалла гузарлари, спорт иншоотлари ва суэзи ҳавзалари шулар жумласидандир. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида ишчилар ва меҳнат фахрийларидан 18 нафари республикамиздаги турли санаторийларда ҳўжалик ҳисобидан дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди.

Ҳўжалиқнинг жорий йилдағи режалари ҳам бисёр. Жамоа учта санрот корхонасини қуриш, ҳосилдорлиқни икки бараварға ошириш, сарф-харажатни камайтириш эвазига даромадини қўлайтириш ва йил якунида яна 200 нафар ишларни иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар.

Бир сўз билан айтганда, тажрибали пахтакор кишлоқ ҳўжалиғи соҳасида яратган мактабдан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

А.ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Тармоқ касаба уюшмалари ҳаётидан

Фарғона вилоят Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма кенгаши ўтган йиллар давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III Курултойи қарорлари ва Ҳаракат дастури асосида фаолият юритди. Бунда иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари ўртасидағи муносабатларда ижтимоий шерикчилик тамойили асосий ўрин эгаллади. Айна вақтда вилоят миқёсидағи 7 та бошқарма, бирлашма, уюшмалар ҳамда 15 та туман вакилликлари иш берувчилар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан битимлар тузишган. 534 та жамоа шартномалари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиийки, юқоридағи ишларни амалға ошириш, иш берувчилар билан муносабат ўрнатиш, вужудға келган муаммо ва зиддиятларни малакали ҳал этиш кўп жиҳатдан фаолларнинг салоҳияти ҳамда билимиға боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма ташкилотлари ҳодимларининг малакасини ошириш энг муҳим вазифаларимиздандир.

Айна кунда тармоғимиздағи бошланғич ташкилотларнинг 171 тасида

ҳақ тўланадиган шатлар мавжуд. 363 нафар касабақум раислари эса жамоатчилик асосида фаолият юритишмоқда. Ана шу фаолларимизнинг сифат таркибини яхшилаш юзасидан муайян

саба уюшма ташкилоти» кўрик-танловлари ўтказилди. Туман, шаҳар касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўзаро текшириш ва тажриба алмашиш тадбирларининг ўтказилиши ҳам

ФАОЛЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ишлар амалға оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида раислардан 73 нафари юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган ўқув курсларида ўз билим ва малакаларини ошириб қайтишди. Вилоят кенгаши томонидан ўтказилган фаоллар ўқувидан 200 нафар ҳодим 30 соатлик дастур асосида ўқитилди. Ўқув давомида ҳодимларнинг ўзаро тажриба алмасуви, савол-жавоб соатлари ташкил этилди. Унинг якунида эса мутахассислар томонидан тингловчиларнинг билим ва лаёқатлари синовдан ўтказилиб, вилоят кенгашининг гувоҳномалари топширилди.

Туман ва шаҳарларда ҳар ойда «Бошланғич ташкилотлар куни»ни ўтказиш одатий бир ҳол бўлиб қолди. Вилоят миқёсида «Энг яхши ка-

ўзининг ижобий самарасини берапти.

Бирок вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотларида ҳодимларнинг кўнимсизлиғи фаолиятимизда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шундай экан бу муаммони бартараф этиш тармоқда кадрларнинг малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш вилоят касаба уюшма кенгаши фаолиятидағи асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Ф.ЎРИНБОЕВ, Фарғона вилоят Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшма кенгашининг ташкили ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудир

МАШАРИФ ОТА ЯРАТГАН МАКТАБ

кинчи томондан экин майдонларининг ҳолатига қараб янги тажрибалар қўлланилса мақсадға мувофиқ бўлади. Шу сабабли бир неча мавсумдан буюн пахта ва бугдойнинг янги-янги навлари синовдан ўтказилиб, сўнг омалаштирилади. Масалан, академик Остон Жалилов раҳбарлиғи остида яратилган пахтанинг «Меҳнат» нави тажриба тариқасида экилганда, дастлаб туман ва вилоятдағи айрим мутасаддилар унинг самарасидан шубҳаланишганди. Бирок у замини оқлади.

Бир вақтлар асосан шиличиликка ихтисослашган майдонлардан бўлим бошлиғи Ш.Матўқубов 35-36 центнердан, фермер Ш.Ражабов эса 40 центнердан кирмон кўтариб, шубҳалар асосиз эканлигини амалда исботлашди. Худди шунингдек, бошқа кўплаб янги навлар ҳам «Меҳнат» сингари эндиликда вилоят миқёсида омалаштирилган.

Агросаноат мажмуи мутасаддилари олдиға қўйлаётган масъулият ва соҳада ислохотларни жадаллаштириш бўйича неки талаб бўлса, қаҳрамон номи билан фаолият юритиб ке-

ХАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Чўст туманидағи шахарликларнинг ёғзи дам олиш маскани бўлган Гова кишлоғида шу пайтгача стадион йўқ эди. 14 миң кишилик кишлоқ аҳолиси, айниқса болаларға бу стадион жисмоний тарбия билан шугулланиш ва футбол ўйнаш учун жуда керак.

Мамлакатимиз Президентини ташаббуси билан Ўзбекистонда Сихат-саломатлик йилга деб эълон қилинган жорий йилда кишлоқ аҳолисининг орзуи ушалмоқда. Гованинги марказида миң кишиға мўлжалланган стадион қурилмоқда. Унда футбол ва волейбол майдони, югуриш йўлақлари мавжуд. Кишлоқ аҳолиси ва «Говасой» ширкат ҳўжалиғи ҳодимлари кўп ишларни ҳашар йўли билан амалға оширди. «Чустириқилиш» шўба корхонаси ишчилари эса 20 миллион сўмдан ортиқ қурилиш ишларини бажарди.

(Ўза)

Орамиздағи одамлар

Ғиждувон туманидағи «Кўкча» наслчилик ширкат ҳўжалиғи Кизилқумнинг 224 миң гектарлик улкан худудини эгаллаган. Бир томони Навоий вилоятининг Қонимех туманиға туташиб кетган Толди, Оғарта, Бўканай, Сассиқул, Иссиқсув, Фозилбек, Асорат каби йўлаб-йўловларда эл-юртнинг минглаб қўй-қўзилари боқилапти. Шундан 17 миң гектари сизот сувлари тўпланган сўний қўл остида қолган. Вилоят марказидан 250 километр олдига жойлашган чўпон отарларини айланб киши эсон эмас.

Толди йилловини қадамбақадам кезиб чиққан тажрибали чўпон Райим Сирожевини ҳамюртлари яхши билишди. Касбига меҳри бандан йиллов баҳодирининг ўзига яраша хурмат эътибори бор. Қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли. Бир отардан икки отар яратиб, соғлом ва урғочи қўзиларни ўстиришға қолдирилган, давлатға юқори сифатли жун ва қоракўл тери этказиб берилган учун иш ҳақидан ташқари 1 миллион 133 миң сўм пул, 21 та қўзи олди.

Укаси Наҳим Сирожев ҳам ақасидан ортда қолгани йўқ. Режадағидан кўп махсулот этиштиригани ва ресурсларни теҳамкорлик билан ишлатгани учун 1 миллион 33 миң сўм мукофоти билан тақдирланди. Маъмурият ва касабақум илгорларини эришган ютуқлари билан табриқлаб, чўпон оиласига кийим-кечак, ун, гуруч, ўсимлик мойи ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари этказиб берди.

Бўканай кенгликларидан қўй боқайтган Амрулла Рустамов, Барат Аҳмедов, Бўйинқум даштларида яшайдиган Исмаил Рустамов, Жумабек Бердиевлар билан мулоқотда бўлиш кишиға завқ бағишлайди. Уларнинг ҳар бири ойлик маошидан ташқари 1 миллион 500 миң сўмгача мукофот, 15-20 та қўзи олишди.

Кизилқум чўли қийинчиликларини ениб, ҳам мамлакат чорвасига, ҳам ўз рўзғорига барака киритаётган қоракўлчиларнинг турмуш тарзи яхшиланиб бо-

КИЗИЛҚУМ ФИДОЙИЛАРИ

раяпти. Кейинги уч-тўрт йил ичида қўйлар сони 3800 бўшға, совлиқлар 2 миңгача кўпайди. Совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 116 тадан қўзи олинди, 90 фоизи ўстиришға қолдирилди. Пододағи моллар миқдори 10 фоизға кўпайди. Ялпи даромад 270 миллион сўмни ташкил этиб, соғ фойда 61 миллион сўмдан ошиб кетди.

Даромад қўлайгани сари моддий манфаатдорлик ортиб борапти. Шартнома режасини ошириб бажарганларға 622 та қўзи мукофотга берилди. Вилоят «Қоракўлчилик» уюшмаси томонидан илгор чўпон Султон Қораев «Тикон» энгил машинаси, ҳўжалик «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Телевизор, видеокамера ва кимматбаҳо гиламлар билан мукофотланган қўйчивонлар сони юздан ортиқ. Хар чўпоннинг ўртача ойлик маоши 70-80 миң сўмдан тушяпти. Олинган соғ фойдадан 8,5 миллион сўми ширкат аъзоларига дивидент сифатида тарқатилган бўлса, қолгани кишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришға ажратилди. Чўл худудида жойлашган мактабларнинг таъмирлаш, чорвадорларнинг фарзандларига ўқув қуролилари ва кийим-кечак олиб беришға 4 миллион сўм сарфланди.

Овулларимизда яшайтган 3 миңгача янги аҳолининг турмуш фаровонлиғи яхшиланиб бо-

фиятда ўтади. Дўстлик ришталари мустақамлиб, соғлом турмуш тарзи шаклланимоқда. Аҳолиға 3 та кишлоқ врачлик маскани хизмат қўрсатапти. Кейинги икки йилда олис йилловларда 21 та чўпон уйлари, 21 та қўра янғидан қурилды. 4 та қудуқ қазилиб, ишға туширилди. Хар бир чўпонга бир тоннагача бугдой тарқатилди.

Навоий кон металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси билан ҳамакорликда 12 та отарға 36 километр қувур тортилиб, тоза ичимлик суви келтирилди. Бўканай овулининг энгил машинаси, ҳўжалик энгил машинаси билан маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш дастури тузилган. Жорий йил 25 миң долларлик қоракўл тери ва жун хорижға экспорт қилинади.

Бир сўз билан айтганда, Кизилқумнинг туя ўрқачли қирларини кезиб, ёз жазирамаси, киш қазратони, баҳор ва куз инжиқликларини мардонавор ениб, маъмурият қўлайтаётган фидоийлар жасоратини ҳамма оқлишға сазовор.

Р.ПЎЛАТОВ, Ғиждувон туман «Кўкча» наслчилик ширкат ҳўжалиғи касаба уюшма кўмитаси раиси

Сизға қандай хизмат кўрсатишмоқда? УНИВЕРСАЛ КАРТОЧКА-ҒОЯТДА ҚУЛАЙ

Бугунги тезкор замон барча соҳалар олдиға улкан вазифалар юқлапти. Ишонч иши тез, осон битиши йўлида доимий изланишлар давом этапти. Хўссусан, ахборот технологиялари тизимидағи ривожланиш, унинг жаҳон телекоммуникация тармоқлари билан интеграциялашувини кўриб, бу соҳадағи ишлар қўламини кенглиштириш амин бўлмади. Ил санин соҳадағи ривожланиш янги поғонаға кўтарилиб, замонавий технологиялар, қўлай хизмат турлари жорий этилмоқда. Шу жумладан, алоқа сифатини ошириш мақсадида тармоқларни замонавийлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг соҳаға оид қарорларини бажариш мақсадида олиб борилаётган ишлар самараси катта бўлмоқда. Сўнгги ярим йил мобайнида «Ўзбектелеком» акциядорлик жамияти тизимини кенгайтириш ва қўламини алоқа тугунлари ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилди. Жумладан, олдидан тўланган универсал тўлов картчалари ёрдамида халқаро телефон сўзлашув хизмати вужудға келди. Бу картчаларнинг яна бир қўлай жиҳати шундаки, у орқали интернет тармоғига ҳам боғланиш мумкин. Тўғри, илгари ҳам бу хизмат турлари мавжуд эди. Миқозлар улардан ҳеч қийинчиликсиз, бемалол фойдаланаётганди. Лекин жорий этилган бу тизим истеъмолчиларға нархининг анча арзонлиғи билан қўл келади. Янги махсус картчалар барча мижозларға мўлжалланган бўлиб, энг муҳим жиҳати унинг арзонлиғи ва қўлайлиғидир.

Америка Қўшма Штатларида тахсил оладиган дўстим билан гаплашиб турман, — дея гап бошлади тошкентлик Бахтиёр Ёқубов. — Тўғри, тўловни олдидан амалға ошириш керак, лекин шундай бўлсада, нарх анча арзон. 10 миң сўмлик карточка билан анчагина гаплашман.

Ҳа, оддий, симли телефондан АҚШға қилинган қўнғирқонинг бир дақиқаси 1265 сўм бўлса, «Ўзбектелеком» тизимидағи карточкалар ёрдамида боғлансангиз, бор-йўли 550 сўм тўлайсиз. Бундан ташқари, карточка орқали гаплашганингида сиз хар дақиқа учун эмас, хар сония учун пул тўлайсиз. Бу эса вақтингизни янада тежайди.

тоқчалар орқали қўнғирқоқ қилинганда боғланиш бироз кечикиши мумкинлигини яширмаймиз, — дейди «Ўзбектелеком» АЖ «UzNet» филиали абонент бўлими катта муҳандиси Дониёр Мақсудов. — Лекин симли алоқадан бир ярим икки баробар арзон тушиши, энг муҳими аниқ вақт учун хисоб-китоб қилиниши билан аҳамиятлидир. Карточка эғаси мамлакатимизнинг исталган жойида туриб хизматлардан фойдаланиши мумкин. Бунда «UzNet» филиалиға махсус код ёрдамида қўнғирқоқ қилинади ва бу боғланиш учун шаҳарлараро сўзлашув тўлови олинмайди.

«Ўзбектелеком» карточкалари фақат халқаро алоқа учунгина мўлжалланган эмас. У орқали шаҳарлараро сўзлашувларни ҳам амалға ошириш мумкин. Бунда бутун мамлакат бўйлаб бир дақиқа сўзлашув учун 40 сўм қилиб берилганди. Ваҳоланки, симли телефонда шаҳарлараро сўзлашув ўртача 60-70 сўмни ташкил қилади.

Айна пайтда универсал карточкалар «UzNet», Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва Тошкент телеграф-телефон станцияси филиалларида жорий этилди. Улардан фойдалана бошлаганлар карточканингу қўлайлиғини ағлаб ётмоқда ва ўз-ўзидан мижозлар сони ортмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, «Ўзбектелеком» АЖ аҳолиға қўлайлик яратиш мақсадида кўплаб янги хизматларни жорий этиши, замонавий технологиялар киритишини режалаштирган. Демак, эндиликда чекка-чекка кишлоқларда ҳам алоқа сифати босқинча-босқин яхшиланади.

Н.ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири



Шифокор Насиба Қосимова бундан икки йил муқаддам Гулистон шаҳри марказида «Камола-Н» хўсусий тиббиёт фирмасини ташкил этганди. Мазкур тиббиёт масканида шу давр мобайнида 200 дан зиёд бемор шифо топди. Шифокор Н.Қосимова даволашда энг биринчи шарт тўғри ташҳис қўйиш, деб ҳисоблайди.

Суратда: шифокор Насиба Қосимова.

М.КАРИМОВ олган сурат

Мамлакатимизда амалға оширилятган демократик ислохотлар ва иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривожланиши ижро интизомини қучайтириши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан жамоатчиликнинг алоқасини янада мустақамлаштириш тақозо этади.

Кейинги йилларда Қораўзақ туманида қонун устиворлигини таъминлаш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни фож этишда муайян ишлар қилинди. Айниқса, ер, сув, техника, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, талон-тарожликларнинг олдини олиш, юридик ва жисмоний шахслар, фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш бўйича кенгайтирилган дастур ишлаб чиқилди.

Айрим ҳолларда фермер ҳўжалиқларини ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларига қатъий риоя этилмаяпти. Ширкатларни фермерликка ўтказиш жараёнида

муаммолар ечимига ҳамisha масъулият билан ёндашилмаяпти. Масалан, паёт рентабелли, зарар кўриб ишлайтган «Қораўзақ», А.

МУЛК ШАКЛИ ЯНГИ ИШ УСЛУБИ-ЧИ?

Дўстназаров номли, «Есимузак» ширкатларини фермер ҳўжалиқларига айлантириш жараёнида мулкдорларға ер майдонларини ажратиб бериш ҳўжатларини расмийлаштириш пайсалға солинган. Экин майдонларини тақсимлашда Ер Кодексининг 35-моддаси, «Давлат Ер кадастри тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси талаблари бузилган. Давлат рўйхатида ўтган фермер ҳўжалиқларига тегишли гувоҳномалар берилмади. Масалан, «Қоракўл» овул фукаралар йиғинидан 14 та, «Қарақўш»дан 7 та, «Олғабос»дан 8 та фермерға рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳномалар тарқатилмаган. 4300 гектар майдонға галла

Қонун барчаға баробар

экан кишлоқ зироатчилари 5260 тонна дан топшириб, режани ортиғи билан адо этишган. Бирок, 8 та фермер контрактация шартномаларини бажара олмаган. «Асоматдин» фермер ҳўжалиғи шартномадағи 10 тонна бугдой-

ҳўкми билан келтирилган зарар ундириб олинди. Кишлоқ ҳўжалиғи махсулотлари этиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат қўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидағи Низом ва Шартнома интизомни тўғрисидағи қонун талаблари бажарилиши ўрганилиб, 8 та давло аризалари киритилди. Масалан, «Кумбизўй» машина-трактор парки томонидан 10 та фермер ҳўжалиғи билан шартномалар тузишган. Аммо ушбу ҳўжатлар тегишли таразда рўйхатдан ўтказилмаган ва кўрсатилмаган хизматлар учун 15 фоизли бўнақ тўловлари олдидан олинмаган.

Иқтисодий самарадорлик пасайиб кетганлиғи тўғайли туманининг мундағи ўтган дебиторлик қарзи 448 миллион 735 миң, кредитор қарзи 600 миллион 746 миң сўмни ташкил қилмоқда. Бунда туман сув қурилиши, МТП ҳиссадорлик жамиятлари, «Қораўзақ» кишлоқ ҳўжалик ширкати бирлашмасининг «ҳиссаси» катта.

И.ХИКМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Қорақалпоғистонда таълим тизимини тақомиллаштиришға алоҳида эътибор берилмоқда.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат уюмийлиғи дастуриға кўра, республикадағи мавжуд 763 та умумтаълим мактабларидан 626 тасини капитал реконструкция қилиш, таъмирлаш ва янгидан қуриш белгиланган. Жорий йилда эса 5 та янги мактаб қуриш мўлжалланмоқда.

Қўнғирот туманидағи 42-ўрта мактабининг янги биноси қурилиши жадаллик билан олиб борилмақда. Бинони жорий йилнинг август ойида фойдаланишға топшириши қўзғалтган «Темирлан-Роста» хўсусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари бу ерда 210 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Газетхон илтимосига кўра

Кейинги йилларда ер юзининг барча минтақаларида ишсизлик ва унинг оқибати рўй бераётган жараёнлар глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам аҳолини иш билан таъминлаш бир мунча долзарблик касб этапти. Бу эса ўз навбатида уларнинг яшаш шароитига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу боис бундай муаммоларни олдини олиш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги демографик жараёнлар ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Аҳолининг табиий ўсиши бошқа бир қатор давлатларга нисбатан юқори даражада эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Шунинг баробарида меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Уларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ўткир муаммага айланиб қолди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги қарорига асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳар чорақда ишчи кучини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказиб борилади. Бундан мақсад иш билан бўлганлар (жумладан норасмий соҳада ишлаётганлар) ҳамда ишга жойлашишга муҳтож шахсларни аниқлашдир. Мониторингнинг натижаларига кўра, 2005 йил 1 январ ҳолатига жами банд бўлганлар (норасмий соҳада ишлаётганларни ҳисобга олган ҳолда) 9826 минг, ишга жойлашишга муҳтож шахслар 371 минг кишини ташкил этмоқда.

Юқорида кайд этилган ишсизлик муаммосини юмшатиш, аҳолини, шу жумладан аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида республикамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "2005-2006 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш" ва "2006-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш" ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқлан-

ди. Бунда қуйидагилар амалга оширилди: аҳоли пунктларидаги кичик қорхоналар ва микрофирмалар яратишга қўлай бўлган, фойдаланилмаётган бинолар ва иншоотлар инвентаризация қилинди;

хар бир кишлоқ фуқаролар йиғинлари, (шаҳарда) маҳалла бўйича у ерда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ме-

Ишсизлик муаммоси ва ечим мониторинг натижаси нимани кўрсатди

нат потенциалдан (маҳорати, хоҳишлари ва касбий майллари) ва аҳоли бандлигининг аънаваний турларидан келиб чиқиб, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида янги иш ўринлари яратиш имкониятлари аниқланди; иш ўринлари яратиш йўналишлари аҳоли пунктларидаги мавжуд шарт-шароитлар ва тегишли инфраструктуралар мавжудлиги билан боғланди. Ривожланган ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктуралари мавжуд бўлмаган олин ва тоғли туманларда оливайи бизнесни ташкил этиш, уй меҳнати ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш йўналишларига кўпроқ эътибор қаратилди;

ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда ҳудудий иқти-

содий ривожланиш дастурлари билан узвий боғланди;

тижорат банкларининг кредит ресурслари, қорхоналар, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва бюджетдан йўналтирилган (асосан ижтимоий инфратузилма объектларига) маблағлар ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имкониятлари аниқланди.

Ушбу дастурларга мувофиқ жорий йилнинг 1-чораги мобайнида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан жами 128,3 минг нафар, шу жумладан 55,9 минг нафар аёллар учун янги иш ўринлари яратилди. Барпо этилган янги иш

ўринларининг 112,3 минг таси ёки 87 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Меҳнат бўлимларига республика бўйича жами 106,2 минг киши иш сўраб мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 80,5 минг нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди. Уларнинг 41,1 минг нафари ёки 51 фоизини ёшлар ташкил этади. Ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган фуқароларга нисбатан меҳнат органлари томонидан ижтимоий химоя чоралари амалга оширилди. Жумладан, 16,2 минг нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. 3,1 минг нафар ишсиз касбга қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга юборилди. 3,6 минг киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси-
Шермухаммад Тўраев,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги Демография, меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи

нинг 2004 йил 21 сентябрдаги қарори билан 2004 йилда Куролли кучлар сафидан захирага бўшатишдан ҳарбий хизматчиларнинг 95 фоизи ишга жойлаштирилди.

2005 йилнинг 1-чораги мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда шу орқали аҳолини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан очилган кредит линиялари орқали 1871,5 миллион сўм миқдорда имтиёзли қарзлар берилди.

Ишга жойлашишга муҳтож аҳолига кўмаклашиш мақсадида жойларда меҳнат бўлимлари томонидан ҳокимликларнинг бевосита кўмағида, прокуратура идоралари, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва иш берувчилар билан ҳамкорликда мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. 2005 йилнинг биринчи чорагида Республика бўйича 200 мартаба ана шундай ярмаркалар ўтказилди.

Уларда 4,8 мингта қорхона ва ташкилотлар ўзларидан мавжуд бўлган 33,6 мингта бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Мазкур ярмаркаларга 23,5 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар жалб этилиб, уларнинг 10,1 минг нафари доимий ишга жойлаштирилган. Қолган фуқароларга ташкил этилган мазкур ярмаркаларда ишга жойлашиш масалалари ва меҳнат қонунлари бўйича турли хил ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:
1 вопрос: Отчет и.о.директора по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004г. и утверждение бизнес-плана на 2005г. Голосовали: "за" - 100%, "против" - нет,

**СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ
ОАО "SHARQ ZIYOKORI"**

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 05

1.Наименование существенного факта: начисление и выплата доходов по ценным бумагам эмитента.

2.Вид ценных бумаг: акции простые, привилегированные.

3.Дата принятия решения о выплате дивидендов по акциям: 11.05.2005г.

4.Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов: общее собрание акционеров.

5.Размер дивиденда: начисленного на одну привилегированную акцию - 750сум или 75% к номинальной стоимости, на одну простую акцию - 86 сум 86 тийин или 8,7% к номинальной стоимости.

6. Форма выплаты: денежные средства.

7. Срок выплаты дивидендов по акциям: с 11 мая по 11 июля 2005 года.

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 09

Вид общего собрания - годовое.

Форма проведения общего собрания - очная

Дата проведения общего собрания - 11.05.2005г.

Дата составления и подписания протокола общего собрания - 12.04.2005г.

Место проведения общего собрания - г. Ташкент, ул. Буюк Турон, 41, большой зал ИПАК "Шарк".

Кворум общего собрания - 115537 голосующих акций - 96,6%.

Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:
1 вопрос: Отчет и.о.директора по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004г. и утверждение бизнес-плана на 2005г. Голосовали: "за" - 100%, "против" - нет,

"воздержавшихся" - нет. **Принято решение:** Утвердить отчет и.о. директора Хамзаева Р. по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004год и бизнес-план на 2005г.

2 вопрос. Утверждение бухгалтерского баланса, распределение прибыли и выплата дивидендов по итогам финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год. Голосовали: "за" - 100%, "против" - нет, "воздержавшихся" - нет. **Принято решение:** Утвердить бухгалтерский баланс, распределение прибыли и назначить дату выплаты дивидендов с 11.05. по 11.07.2005 года.

3 вопрос: Утверждение заключения аудитора и ревизионной комиссии, выборы членов наблюдательного совета и ревизионной комиссии. Голосовали: "за" - 100%, "против" - нет, "воздержавшихся" - нет. **Принято решение:** Утвердить отчет ревизионной комиссии и заключенные аудиторов, утвердить состав Наблюдательного совета и ревизионной комиссии.

4 вопрос. О заключении трудового договора (контракта) с директором общества. Голосовали: "за" - 92346 штук акций "против" - 23191, "воздержавшихся" - нет. **Принято решение:** Утвердить Р.Хамзаева директором общества и заключить трудовой договор.

5 вопрос. Утверждение аудитора. Голосовали: "за" - 100%, "против" - нет, "воздержавшихся" - нет. **Принято решение:** Поручить НС утвердить аудиторскую организацию для проведения аудиторских проверок на 2005г.

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 10

1.Дата, в которой произошли изменения: 11 мая 2005г.

2. Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являюще-

еся основанием указанных изменений, - общее собрание акционеров ОАО "SHARQ ZIYOKORI".

3.Орган управления эмитента, в котором произошли изменения, - наблюдательный совет, исполнительный орган, ревизионная комиссия.

Предыдущий состав Наблюдательного совета:

1. Юнусов О.Х. - зам. генерального директора ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества
2. Файзиев Э.К. - нач. главного управления ГКИ РУз - не имеет акции общества
3. Канцорова Л.Б. - зам. управляющего ТГФ банка "Асака" - не имеет акции общества

4. Шаймарданов И. - зам. главного редактора ИПАК "Шарк" - 71 штук акций - 0,06%

5. Гулямов О.У. - нач. производственного отдела ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества.

Новый состав:
1. Юнусов О.Х. - зам. генерального директора ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества

2. Дуллубаев Д.Д. Зам. нач. управ.ГКИ г.Ташкента РУз не имеет акции общества

3. Канцорова Л.Б. - зам. управляющего ТГФ

банка "Асака" - не имеет акции общества

4. Шаймарданов И. - зам. главного редактора ИПАК "Шарк"

5. Гулямов О.У. - нач. производственного отдела ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества.

Предыдущий состав ревизионной комиссии:
1. Исмаилова Ф.И. - Зам.гл.бухгалтера ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества

2. Симонова Т.К. - инженер-экономист ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества

3. Джакипова Г.А. - Вед.бухгалтер ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества.

Новый состав:
1. Исмаилова Ф.И. - Зам.гл.бухгалтера ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества

2. Симонова Т.К. - инженер-экономист ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества

3. Муратов Д.А. - зам.нач.управ.маркетинга и торговли ИПАК "Шарк" - не имеет акции общества.

Исполнительный орган:
И.о.дир. общества Хамзаев Р.А. утвержден директором ОАО "Шарк Зийокори". Имеет акции общества в количестве 135 штук - 0,11% от уставного фонда.

Список акционеров ОАО "Шарк Зийокори"

Ф.И.О. акционера	Занимаемая должность	Серия	№ паспорта	Количество акций	Акции Простые или привилегированные	Прив. акции	Доля в уставном фонде
Юнусов О.Х.	Зам. ген. дир. ИПАК "Шарк"	СА	0193898	0	0	0	0
Дуллубаев Д.Д.	Зам. нач. управ. ГКИ г.Ташкента РУз	СА	0964070	0	0	0	0
Канцорова Л.Б.	Зам. управ. ТГФ Банка "Асака"	СА	0009314	0	0	0	0
Шаймарданов И.Э.	Зам. гл. редактора ИПАК "Шарк"	СА	0381655	71	36	35	0,06
Гулямов О.У.	Нач. производственного отдела ИПАК "Шарк"	СА	0647460	0	0	0	0
Хамзаев Р.А.	Директор ОАО "Шарк Зийокори"	СВ	1025589	135	67	68	0,11
Исмаилова Ф.И.	Зам. гл. бух. ИПАК "Шарк"	СА	0325928	0	0	0	0
Симонова Т.К.	Инженер-экономист ИПАК "Шарк"	СА	1611607	0	0	0	0
Муратов Д.А.	Зам.нач.управ. маркетинга и торговли ИПАК "Шарк"	СА	0130937	0	0	0	0

Наименование юридического лица	ИНН	Код ОКТО	Количество ценных бумаг в шт.	Акции Простые или привилегированные	Прив. акции	Доля в уставном фонде
КН РУз ИПАК "Шарк"	201122696	0037010	37785	37785	0	30
	201051699	16486996	31488	31488	0	25

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Республика кон ва металлургия саноати меҳнаткашларини касб байрами билан самимий муборакбод этади



